

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/31.03.2023.Qx. 159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖАНУБИЙ ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ХАСАНОВ БОБУР РУСТАМ ЎҒЛИ**

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ  
ШАРОИТИДА ЖАВДАР ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2023**

УДК: (575.192):633.44:633.1.14:631.5

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Хасанов Бобур Рустам ўғли**

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида жавдар  
етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш .....

**Хасанов Бобур Рустам угли**

Разработка агротехники возделывания ржи в условиях светло-сероземных  
почв Кашкадарьинской области .....

**Xasanov Bobur Rustam ogli**

Development of agricultural technology for the cultivation of rye in the conditions  
of light gray soils of the Kashkadarya region.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/31.03.2023.Qx. 159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖАНУБИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ХАСАНОВ БОБУР РУСТАМ ЎҒЛИ**

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ  
ШАРОИТИДА ЖАВДАР ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Qx.627 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.ddeiti.uz](http://www.ddeiti.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Ёдгоров Нормумин Гуломович  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оponentлар:** Эгамов Илхомжон Ураинмжонович  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим  
Азизов Баҳром Музапарович  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Фалсафа доктори (PhD) Диссертация химояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «25» 11 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: [ddeiti19@mail.ru](mailto:ddeiti19@mail.ru); Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (№ 04 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05;

Диссертация автореферати 2023 йил «8» 11 кuni тарқатилди.  
(2023 йил «7» 11 даги 04 рақамли реестр раёномаси).



  
Р.И.Сиддиқов,  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

  
И.И.Абдуллаев,  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д. (PhD), доцент.

  
С.О.Абдурахмонов,  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда “дунёнинг 61 мамлакатада йилига 4,3 млн. гектар майдонга жавдар уруғлари экилиб, пировардида 13,2 млн. тоннага яқин дон ҳосили етиштириб келинмоқда”<sup>1</sup>. Жавдар етиштириш бўйича етакчи мамлакатларга Германия (3,3 млн. тонна), Польша (2,5 млн. тонна), Россия (1,7 млн. тонна), Белоруссия (0,85 млн. тонна), Дания (0,67 млн. тонна) давлатларини киритиш мумкин бўлиб, ушбу давлатлар дунёда етиштирилаётган жавдар донининг 68,3 фоизини ишлаб чиқаради. Аммо шундай бўлсада, дунё аҳоли сонининг тобора ортиб бориши жавдар донига бўлган эhtiёжнинг тўлақонли кондиришни қийинлаштирмоқда. Ушбу муаммони хал этишда жавдарнинг янги авлод навларини яратиш ва улардан юқори ҳамда сифатли дон ҳосили етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида жавдар экинидан озиқ-овқат учун дон ҳамда чорва хайвонларини ем-ҳашак базасини мустаҳкамлаш учун пичан етиштириш тобора оммалашиб бормоқда. Бу борада жавдарнинг янги, истиқболли ва серҳосил навларини яратиш, ушбу навлардан юқори ҳосилдорликка эришиш учун барча минтақалар кесимида экиш муддатлари, уруғ сарф меъёрлари, суғоришга ҳамда озиқлантиришга бўлган талабларини ўрганиб чиқиш ва аниқ хулосаларга таянган ҳолда тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам катта аҳамиятга моликдир.

Республикамизда кейинги йилларда жавдар экин майдонини 373 гектарга, яъни дон ҳосилдорлиги эса 3800 тоннага етказилганлиги ноанъанавий экинларга ҳам ҳукумат доирасида катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853 сонли Фармонида «...тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда ўғитлардан фойдаланишнинг самарали тизимини жорий этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш чораларини кўриш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида жавдар навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминлайдиган агротехнологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853 сонли, 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5742 сонли фармонлари ҳамда 2022 йил 27 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳаражатларини молиялаштириш ва уларни

---

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/4567334>

харид қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-225 сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё деҳқончилигида жавдарнинг экиш муддати ва меъёрлари бўйича С.Елисеев, Т.Вершинина, Г.Потапова, М.Иванова, Т.Ровдо, К.Насриддинов, маъданли ўғитлар меъёрларига бўлган талабини ўрганиш бўйича Л.Харкевич, В.Адамко, Р.Золотарёва, Л.Иванова, В.Максимов, Г.Виноградов, Республикамиз тупроқ-иклим шароитида В.Исмоилов, А.М.Тагаев, Х.Келдияров, Г.Сапаева, Р.Умаров, Р.А.Эшчанов, А.Б.Файзуллаев, Г.Сатилов, М.Абдушарипова ва бошқалар томонидан бир қатор тадқиқотлар ўтказилган.

Бироқ, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида жавдардан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда “Ns Savo” ва “Вахшская 116” навларини мақбул экиш муддати ва меъёрига боғлиқ ҳолда маъданли ўғитлар меъёрларини ишлаб чиқиш комплекс ўрганилмаган, ҳамда етарлича тадқиқотлар ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ВА-ҚХФ-5-014 «Республиканинг жанубий минтақалари ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг илмий асослари» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳасининг давоми сифатида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида жавдарнинг “Ns Savo” ва “Вахшская 116” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғларни экишнинг мақбул муддати ва меъёрларини аниқлаб, ўсув даврида маданли ўғитлар билан озиқлантиришга бўлган талабини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

уруғларни экиш муддатлари ва меъёрлари ҳамда маъданли ўғитлар билан озиқлантириш миқдорларини уруғларни дала унувчанлигига, кўчат қалинлигига, илдиз тизимининг ривожланишига, ривожланиш даврларининг давомийлигига таъсирини аниқлаш;

ўсиб ривожланишига, умумий ва маҳсулдор поялар сонига, барг сатҳининг шаклланиши, биологик қуруқ масса тўплаши ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш;

ҳосил элементларининг шаклланишига, дон ҳосилдорлиги ва доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

кузги жавдар навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда қўлланилган агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари, жавдарнинг «Ns Savo», «Вахшская 116» навлари, экиш муддатлари, меъёрлари ва маъдан ўғитлар меъёрлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** жавдар навлари уруғларини экиш муддатлари ва меъёри ҳамда ўсув даврида маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини уруғларнинг дала унувчанлигига, кўчат қалинлигига, поя ва илдиз тизимининг ўсиши ва ривожланишига, умумий ва маҳсулдор поялар сонига, барг сатҳининг шаклланиши ва биологик қурук масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, ҳосил структурасининг шаклланиши ва дон ҳамда сомон ҳосилдорлигига, етиштирилган доннинг сифат кўрсаткичларига, қўлланилган агротехник тадбирларни иқтисодий самарадорлигига бўлган таъсири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий-тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методика исследований с зернобобовыми культурами», «Основные положения определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов НИР, новой техники и изобретения, рационализаторских предложений» услубий қўлланмалари асосида, олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмалари асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида жавдарнинг “Ns Savo” ва “Вахшская 116” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғларни мақбул экиш муддати ва меъёри ишлаб чиқилган;

кузги жавдарнинг “Ns Savo” ва “Вахшская 116” навларини 1-5 октябрь ва 20-25 октябрь муддатларида гектарига 4,0-5,0-6,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экиб парвариш қилинганида, ўсув даврида маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларига бўлган талаби аниқланган;

кўчатларни қиш даврида нобуд бўлиш даражасига уруғларни экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири сезиларли бўлиб, «Ns Savo» нави уруғлари 1-5 октябрь муддатида экилганида 16,1 фоизгача, 20-25 октябрь муддатида экилганида 22,4 фоизгача, «Вахшская 116» нави уруғлари 1-5 октябрь муддатида экилганида 17,7 фоизгача, 20-25 октябрь муддатида экилганида 23,5 фоизгача етиши кузатилиб, маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{100}K_{75}$  ва  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари билан озиклантириш кўчатларнинг нобуд бўлиш даражасини «Ns Savo» навида 10,0-16,6 фоизгача, «Вахшская 116» навида эса 13,0-17,6 фоизгача камайишига таъсир этганлиги исботланган;

Юқори натижага эришишда уруғлар 1-5 октябрь муддатида гектарига 5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{100}K_{75}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилганда «Ns Savo» навида маҳсулдор поялар сони  $544 \text{ дона/м}^2$ , 1000 дона дон вазни 27,0 г., дон ҳосилдорлиги 57,5 ц/га, «Вахшская 116» навида маҳсулдор поялар сони  $455 \text{ дона/м}^2$ , 1000 дона дон вазни 25,9 г., дон ҳосилдорлиги 56,5 ц/га, уруғлар 20-25 октябрь муддатида гектарига 5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилганда «Ns Savo» навида маҳсулдор поялар сони  $518 \text{ дона/м}^2$ , 1000 дона дон вазни 25,9 г., дон ҳосилдорлиги 55,2 ц/га, «Вахшская 116» навида маҳсулдор поялар сони  $467 \text{ дона/м}^2$ , 1000 дона дон вазни 24,8 г., дон ҳосилдорлиги 54,0 ц/га етганлиги аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.**

Кузги жавдар навлари уруғлари 1-5 октябрь муддатда экилган вариантларда гектарига 4,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида  $362,1 \text{ дона/м}^2$  дан  $369,8 \text{ дона/м}^2$  гача, 5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида  $450,1 \text{ дона/м}^2$  дан  $465,0 \text{ дона/м}^2$  гача, 6,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида  $539,5 \text{ дона/м}^2$  дан  $557,4 \text{ дона/м}^2$  гача, уруғлар 20-25 октябрь муддатда гектарига 4,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида  $326,5 \text{ дона/м}^2$  дан  $343,4 \text{ дона/м}^2$  гача, 5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида  $412,1 \text{ дона/м}^2$  дан  $432,1 \text{ дона/м}^2$  гача, 6,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида  $501,1 \text{ дона/м}^2$  дан  $520,3 \text{ дона/м}^2$  гача униб чиққанлиги кузатилган бўлса, амал даври охирига келиб, қўчат қалинлиги таҳлил қилинганда юқори натижа ҳар икки навда ҳам уруғлар гектарига 6,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларда олиниб, қўчат қалинлиги «Ns Savo» навида  $373,0 \text{ дона/м}^2$  ни, «Вахшская 116» навида  $361,9 \text{ дона/м}^2$  ни ташкил этгани ҳолда назорат вариантыга нисбатан  $74,1 \text{ дона/м}^2$  дан  $102,3 \text{ дона/м}^2$  гача юқори натижа кўрсатганлиги кузатилган;

Амал даври охирида кузги жавдар навларининг поя баландлиги ва маҳсулдор поялар сони аниқланганида, поя баландлиги бўйича юқори натижа ҳар икки уруғ экиш муддатида ҳам гектарига 5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитларнинг  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларда кузатилиб, назорат вариантыга нисбатан «Ns Savo» навида 26,4-25,2 см. гача, «Вахшская 116» навида 26,6-24,0 см. гача, маҳсулдор поялар сони бўйича юқори натижа ҳар икки уруғ экиш муддатида ҳам гектарига 6,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитларнинг  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларда аниқланиб, назорат вариантыга нисбатан «Ns Savo» навида  $287,0\text{-}261,0 \text{ дона/м}^2$  гача, «Вахшская 116» навида  $290,0\text{-}247,0 \text{ дона/м}^2$  гача юқори бўлганлиги аниқланган;

Кузги жавдар навларини мум пишиш даврида бир туп ўсимлик ҳисобида барг сатҳи, биологик қуруқ масса тўплаши ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги уруғ экиш муддатлари кесимида ўрганилганида, юқори

натижа гектарига 4,0 млн. дона унувчан уруғ хисобида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари қўлланилган вариантда кузатилиб, назорат вариантыга нисбатан «Ns Savo» навида барг сатҳи 100,2-92,4 см<sup>2</sup>/туп, биологик қуруқ масса тўплаши 3,1-3,0 г/туп, фотосинтез соф маҳсулдорлик 1,6-1,5 г/м<sup>2</sup> кунга, «Вахшская 116» навида барг сатҳи 94,4-86,5 см<sup>2</sup>/туп, биологик қуруқ масса тўплаши 3,0-2,9 г/туп, фотосинтез соф маҳсулдорлик 1,5-1,4 г/м<sup>2</sup> кунга юқори натижа олинганлиги қайд этилган;

Кузги жавдар навларининг дон ҳосилдорлиги ва рентабеллик даражаси ўрганилганида, ҳар икки навда ҳам уруғлар 1-5 октябрь муддатида гектарига 5,0 млн. дона унувчан уруғ хисобида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{100}K_{75}$  кг/га меъёрлари қўлланилган вариантдан олиниб, дон ҳосилдорлиги назорат вариантыга нисбатан 39,0-38,6 ц/га, рентабеллик даражаси 48,9-49,3 фоизга, гектарига маъданли ўғитларнинг  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари қўлланилган вариантга нисбатан эса дон ҳосилдорлиги ўртача 4,4 ц/га, рентабеллик даражаси 23,9-23,5 фоизга, уруғлар 20-25 октябрь муддатида экилганида юқори натижа гектарига 5,0 млн. дона унувчан уруғ хисобида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари қўлланилган вариантлардан олиниб, назорат вариантыга нисбатан дон ҳосилдорлиги 37,9-37,2 ц/га, рентабеллик даражаси 36,4-36,3 фоизга, гектарига маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{100}K_{75}$  кг/га меъёрлари қўлланилган вариантга нисбатан эса дон ҳосилдорлиги 6,6-6,5 ц/га, рентабеллик даражаси 4,1-4,4 фоизга юқори натижа кўрсатганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дала ва лаборатория тажрибалари умумқабул қилинган услублардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, тажрибалар ва олинган илмий-амалий натижалар мутахассислар томонидан апробация кўригидан ўтказилиб ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг амалиётда ишлаб чиқаришга ҳамда ўқув жараёнларига кенг тадбиқ қилинганлиги, уларни Республика ва Халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида жавдарнинг «Ns Savo» ва «Вахшская 116» навларини мақбул экиш муддати ва меъёри ҳамда маъдан ўғитлар меъёрлари ҳамда уларнинг ўзаро таъсирида дала унувчанлиги, ўсиши, ривожланиши, илдиз тизими ривожланиши, қишлаши, маҳсулдорлиги, барг сатҳи, қуруқ масса тўплаши, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, дон ҳосили ва унинг сифат кўрсаткичлари ортганлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жавдардан сифатли ва барқарор дон ҳосили етиштиришни оширишда мақбул (01-05.10) экиш муддати, меъёри (5,0 млн. дона/га) ва маъдан ўғитлар ( $N_{200}P_{100}K_{75}$  кг/га) меъёрларини қўллаш агротехникаларини ишлаб чиқиш ҳисобига назорат (ўғитсиз) вариантига нисбатан дон ҳосилдорлиги «Ns Savo» навида 39,0 ц/га, «Вахшская 116» навида 38,6 ц/га ҳамда рентабеллик кўрсаткичлари 48,9% ва 49,3% гача юқори бўлгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида жавдар етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида жавдар етиштириш агротехнологияси» номли тавсиянома ишлаб чиқилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 05 октябрдаги 07/23-04/7162-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома бугунги кунда фермер хўжаликларида кузги жавдарнинг «Ns Savo» ва «Вахшская 116» навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда муҳим кўрсатма бўлиб хизмат қилмоқда;

кузги жавдарнинг «Ns Savo» ва «Вахшская 116» навлари ишлаб чиқариш шароитида Қарши туманида 60,5 гектар, Нишон туманида 50,0 гектар, Яккабоғ туманида 33,0 гектар, Кўкдала туманида 14,5 гектар, Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг Қарши тумани ишлаб чиқариш участкасида 22,0 гектар, жами 180,0 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 05 октябрдаги 07/23-04/7162-сон маълумотномаси). Натижада уруғларни 1-5 октябрь муддатида гектарига 5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{100}K_{75}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилган майдонлардан юқори самарадорликка эришилган;

кузги жавдарнинг “Ns Savo” ва “Вахшская 116” навлари уруғлари 1-5 октябрь муддатида гектарига 5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{100}K_{75}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилган майдонларда «Ns Savo» навидан 62,8 ц/га, «Вахшская 116» навидан 56,7 ц/га дон ҳосили етиштирилганлиги аниқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 05 октябрдаги 07/23-04/7162-сон маълумотномаси). Натижада кузги жавдарнинг “Ns Savo” навидан 42,5% “Вахшская 116” навидан 38,3% рентабелликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур дала тажрибалари ҳар йили ҚХБИММ ва Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг махсус комиссиялари томонидан апробация кўригидан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг

Диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кузги жавдарнинг аҳамияти, етиштириш агротехникаси бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида, жавдар экинининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, жавдар нонининг инсон саломатлиги учун фойдалилиги ҳамда етиштириш агротехникаси бўйича экиш муддати, меъёри ҳамда маъдан ўғитлар меъёрларини қўллаш орқали, кузги жавдар экинини ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва сифатини оширишга доир тадқиқотлар натижалари чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари келтириб ўтилган. Натижаларнинг назарий ва амалий хулосалари таҳлил қилиниб, диссертация ишининг илмий натижалари белгилаб олинган, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб назарий ва амалий янгиликлари бўйича тадқиқотлар йўналиши белгиланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот олиб борилган минтақанинг географик жойлашув ўрни, тупроқ ва иқлим шароити, тажриба ўтказиш усули ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган минтақанинг географик жойлашув ўрни ва тупроқ хусусиятлари, худуднинг иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари, тажриба олиб борилган майдонда қўлланилган агротехник тадбирлар ва тажрибада ўрганилган навлар таснифи тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Тажриба вариантларини жойлаштиришдан олдин ҳар йили амал даври бошида даланинг беш нуқтасидан конверт усулида тупроқнинг дастлабки агрофизик ва агрохимёвий хусусиятлари аниқлаб борилганида, 2019 йили тупроқнинг 0-30 см. қатламида ҳажм оғирлик 1,332 г/см<sup>3</sup>, ғоваклик 50,67 фоиз, 30-50 см. қатламида эса ҳажм оғирлик 1,423 г/см<sup>3</sup>, ғоваклик 47,30 фоиз, тупроқнинг сув ўтказиш қобилияти 865,6 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этганлиги кузатиш билан бўлса, 2020 йили тажриба олиб борилган дала тупроқнинг 0-30

см. қатламида тупроқнинг ҳажм оғирлиги 1,344 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги 50,22%, 30-50 см. қатламида ҳажм оғирлик 1,439 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги 46,70%, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 824,7 м<sup>3</sup>/га, 2021 йили тажриба олиб борилган дала тупроғининг ҳажм оғирлиги 0-30 см. қатламда 1,336 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги 50,52%, 30-50 см. қатламда ҳажм оғирлик 1,428 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги 47,11 фоизга тенг бўлиб, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 857,2 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этганлиги аниқланган.

Тажриба дала тупроғининг агрохимёвий хусусиятлари ўрганилганида, 2019-2020-2021 йиллар бўйича, тупроқнинг 0-30 см. қатламида гумус 0,987-0,935-0,968 фоизни, умумий шаклдаги азот 0,101-0,090-0,098 фоизни, фосфор 0,174-0,155-0,168 фоизни, калий 2,24-2,08-2,16 фоизни, ҳаракатчан шаклларида нитрат 16,33-15,45-16,05 мг/кг, фосфор 27,42-26,04-26,80 мг/кг, алмашинувчи калий 280-265-275 мг/кг ни, тупроқнинг 30-50 см. қатламида эса гумус 0,812-0,781-0,801%, умумий шаклларида азот 0,092-0,082-0,087%, фосфор 0,156-0,132-0,150%, калий 1,86-1,62-1,78%, ҳаракатчан шаклларида нитрат 13,95-12,96-13,55 мг/кг, фосфор 21,86-20,52-21,25 мг/кг, калий 255-240-250% ни ташкил этганлиги қайд этилган.

Тадқиқотлар 2019-2022 йиллари Қашқадарё вилояти Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг Қарши тумани Я.Омонов худудидаги марказий тажриба участкасида, суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилган.

Тажриба 36 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенглиги 60 см., узунлиги 50 м. Ҳар бир булакчалар майдони 360 м<sup>2</sup>, ҳисобга олинандиган майдон 240 м<sup>2</sup>. Тажрибаларнинг умумий майдони 3,9 га. Тажриба 3 йил давомида 1:1 (ғўза:ғалла) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажрибада кузги жавдарнинг Давлат ресстрига киритилган «Ns Savo» ва «Вахшская 116» навлари ўрганилган.

Тажрибада кузги жавдарнинг «Ns Savo» ва «Вахшская 116» навлари уруғларини икки хил (01-05.10 ва 20-25.10) экиш муддатларида уч хил (4,0-5,0-6,0 млн/га) уруғ экиш меъёрларида экиб, маъданли ўғитларнинг уч хил (Ўғитсиз, N<sub>200</sub>P<sub>100</sub>K<sub>75</sub> кг/га, N<sub>240</sub>P<sub>120</sub>K<sub>90</sub> кг/га) меъёрлари билан озиклантиришни ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган.

Илмий тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (1989 й), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007 й) кўлланмалари асосида, олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубиёти бўйича амалга оширилган.

**Диссертациянинг “Кузги жавдар навларининг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлиги ҳамда доннинг технологик сифат кўрсаткичларига уруғларни экиш муддатлари, меъёрлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш миқдорларининг таъсири” деб номланган**

учинчи бобида уруғларни экиш муддатлари ва меъёрлари ҳамда маъданли ўғитлар билан озиклантириш миқдорларини кузги жавдар навлари кўчатларининг униб чиқишига ва уруғларнинг дала унувчанлигига, кўчатларнинг қишлаб чиқишига ва амал даври охирида кўчат қалинлигига, ривожланиш давлари ва ўсув даврининг давомийлигига, кўчатларнинг поя баландлигига, умумий ва маҳсулдор поялар сонига, барг сатҳи, қуруқ масса ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига, илдиз сиситемасининг шаклланишига, ҳосил элементлари ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳамда доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинган.

Кузги жавдар навлари уруғларининг дала унувчанлиги таҳлил қилинганида, уруғ экиш меъёрлари кесимида катта фарқлар кузатилмаган, аммо уруғ экиш муддатлари бўйича таҳлил қилинганида уруғлар 01-05.10 муддатда экилган вариантларга нисбатан уруғлар 20-25.10 муддатда гектарига 4,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда «Ns Savo» навида 6,6 фоиздан 10,0 фоизгача, «Вахшская 116» навида 5,2 фоиздан 9,3 фоизгача, гектарига 5,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганида «Ns Savo» навида 4,4 фоиздан 9,1 фоизгача, «Вахшская 116» навида 6,0 фоиздан 8,4 фоизгача, гектарига 6,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганида «Ns Savo» навида 4,6 фоиздан 7,2 фоизгача, «Вахшская 116» навида 6,2 фоиздан 8,8 фоизгача кам бўлганлиги кузатилган.

Кўчатларни қишда нобуд бўлиш даражаси ва амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги ўрганилганида ҳам юқоридаги қонуниятлар такрорланганлиги кузатилиб, кўчатларнинг нобуд бўлиши уруғлар 01-05.10 муддатда экилган вариантларга нисбатан уруғлар 20-25.10 муддатда гектарига 4,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда «Ns Savo» навида нобуд бўлган кўчатлар 6,0 фоиздан 6,7 фоизгача, «Вахшская 116» навида 3,6 фоиздан 7,0 фоизгача, гектарига 5,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганида «Ns Savo» навида 6,3 фоиздан 7,2 фоизгача, «Вахшская 116» навида 5,4 фоиздан 6,0 фоизгача, гектарига 6,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганида «Ns Savo» навида 6,3 фоиздан 6,6 фоизгача, «Вахшская 116» навида 4,6 фоиздан 5,8 фоизгача юқори бўлганлиги аниқланган бўлса, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги уруғлар 01-05.10 муддатда экилган вариантларга нисбатан уруғлар 20-25.10 муддатда гектарига 4,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганида «Ns Savo» навида 15,8 дона/м<sup>2</sup> дан 17,9 дона/м<sup>2</sup> гача, «Вахшская 116» навида 9,1 дона/м<sup>2</sup> дан 13,9 дона/м<sup>2</sup> гача, гектарига 5,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганида «Ns Savo» навида 13,5 дона/м<sup>2</sup> дан 29,0 дона/м<sup>2</sup> гача, «Вахшская 116» навида 9,1 дона/м<sup>2</sup> дан 21,0 дона/м<sup>2</sup> гача, гектарига 6,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганида «Ns Savo» навида 26,1 дона/м<sup>2</sup> дан 36,8 дона/м<sup>2</sup> гача, «Вахшская 116» навида 15,3 дона/м<sup>2</sup> дан 34,5 дона/м<sup>2</sup> гача кам бўлганлиги қайд этилди.

Вариантларда парвариш қилинаётган кузги жавдар навларининг поя баландлиги ривожланиш фазалари кесимида таҳлил қилинганида ҳам уруғ экиш муддатларининг таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилиб, пишиш даврида поя баландлиги уруғлар 01-05.10 муддатда экилган вариантларга нисбатан уруғлар 20-25.10 муддатда гектарига 4,0 млн. дона уруғ ҳисобида

экилганида «Ns Savo» навида 6,0 см. дан 8,5 см. гача, «Вахшская 116» навида 3,9 см. дан 7,8 см. гача, гектарига 5,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганида «Ns Savo» навида 7,3 см. дан 8,5 см. гача, «Вахшская 116» навида 6,2 см. дан 8,8 см. гача, гектарига 6,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганида «Ns Savo» навида 7,7 см. дан 8,9 см. гача, «Вахшская 116» навида 6,5 см. дан 8,2 см. гача паст бўлганлиги аниқланган.

Кузги жавдар навларининг умумий ва маҳсулдор поялар сонига ўсув даврида маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{100}K_{75}$  ва  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантлар таҳлил қилинганида, маъданли ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан уруғлар 01-05.10 муддатида гектарига 4,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилган вариантларда «Ns Savo» навида умумий поялар сони 152-210 дона/м<sup>2</sup>, маҳсулдор поялар сони 183-229 дона/м<sup>2</sup> га, «Вахшская 116» навида умумий поялар сони 122-166 дона/м<sup>2</sup>, маҳсулдор поялар сони 189-232 дона/м<sup>2</sup> га, гектарига 5,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилган вариантларда «Ns Savo» навида умумий поялар сони 211-266 дона/м<sup>2</sup>, маҳсулдор поялар сони 230-273 дона/м<sup>2</sup> га, «Вахшская 116» навида умумий поялар сони 126-216 дона/м<sup>2</sup>, маҳсулдор поялар сони 209-279 дона/м<sup>2</sup> га, гектарига 6,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилган вариантларда «Ns Savo» навида умумий поялар сони 198-277 дона/м<sup>2</sup>, маҳсулдор поялар сони 217-287 дона/м<sup>2</sup> га, «Вахшская 116» навида умумий поялар сони 149-259 дона/м<sup>2</sup>, маҳсулдор поялар сони 199-290 дона/м<sup>2</sup> га юқори бўлганлиги кузатилган.

Уруғлар 20-25.10 муддатида экилган вариантлар таҳлил қилинганида ҳам юқоридаги қонуниятлар такрорланганлиги кузатилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{100}K_{75}$  ва  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларда, маъданли ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан гектарига 4,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилган вариантларда «Ns Savo» навида умумий поялар сони 116-215 дона/м<sup>2</sup>, маҳсулдор поялар сони 143-214 дона/м<sup>2</sup> га, «Вахшская 116» навида умумий поялар сони 113-165 дона/м<sup>2</sup>, маҳсулдор поялар сони 148-190 дона/м<sup>2</sup> га, гектарига 5,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилган вариантларда «Ns Savo» навида умумий поялар сони 160-254 дона/м<sup>2</sup>, маҳсулдор поялар сони 176-238 дона/м<sup>2</sup> га, «Вахшская 116» навида умумий поялар сони 131-211 дона/м<sup>2</sup>, маҳсулдор поялар сони 180-233 дона/м<sup>2</sup> га, гектарига 6,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилган вариантларда «Ns Savo» навида умумий поялар сони 204-281 дона/м<sup>2</sup>, маҳсулдор поялар сони 202-261 дона/м<sup>2</sup> га, «Вахшская 116» навида умумий поялар сони 163-239 дона/м<sup>2</sup>, маҳсулдор поялар сони 197-247 дона/м<sup>2</sup> га юқори бўлганлиги қайд этилган.

Кузги жавдар навларини барг сатҳининг шаклланиши, биологик курук масса тўплаши ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига қўлланилган агротехник омилларнинг таъсири вариантлар ва уруғ экиш муддатлари кесимида аниқлаб чиқилганида ўсув даврида қўлланилган маъданли ўғитларнинг таъсири сезиларли бўлганлиги аниқланган.

Жумладан, кузги жавдар навлари уруғлари 01-05.10 муддатида экилган

вариантлар таҳлил қилинганида, маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{100}K_{75}$  ва  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларда, маъданли ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан мум пишиш даврида гектарига 4,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилган «Ns Savo» навида барг сатҳи 21,9-29,3 минг  $m^2$ /га, қуруқ масса тўплаши 80,1-92,2 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 1,1-1,3  $g/m^2$  кунга, «Вахшская 116» навида барг сатҳи 19,6-25,9 минг  $m^2$ /га, қуруқ масса тўплаши 72,6-82,6 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 1,0-1,2  $g/m^2$  кунга, гектарига 5,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилган «Ns Savo» навида барг сатҳи 25,3-33,4 минг  $m^2$ /га, қуруқ масса тўплаши 88,3-77,8 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 1,3-1,1  $g/m^2$  кунга, «Вахшская 116» навида барг сатҳи 23,0-30,1 минг  $m^2$ /га, қуруқ масса тўплаши 78,4-69,5 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 1,3-1,0  $g/m^2$  кунга, гектарига 6,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилган «Ns Savo» навида барг сатҳи 26,7-38,2 минг  $m^2$ /га, қуруқ масса тўплаши 75,1-86,5 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,6-0,8  $g/m^2$  кунга, «Вахшская 116» навида барг сатҳи 24,2-33,3 минг  $m^2$ /га, қуруқ масса тўплаши 64,9-74,0 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,5-0,8  $g/m^2$  кунга юқори бўлганлиги кузатилган бўлса, уруғлар 20-25.10 муддатида гектарига 4,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилган «Ns Savo» навида барг сатҳи 18,9-25,4 минг  $m^2$ /га, қуруқ масса тўплаши 70,0-82,6 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,9-1,1  $g/m^2$  кунга, «Вахшская 116» навида барг сатҳи 17,2-22,9 минг  $m^2$ /га, қуруқ масса тўплаши 66,2-77,3 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,8-0,9  $g/m^2$  кунга, гектарига 5,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилган «Ns Savo» навида барг сатҳи 21,7-29,9 минг  $m^2$ /га, қуруқ масса тўплаши 76,4-95,2 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 1,2-1,5  $g/m^2$  кунга, «Вахшская 116» навида барг сатҳи 19,8-27,2 минг  $m^2$ /га, қуруқ масса тўплаши 75,6-90,3 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 1,1-1,4  $g/m^2$  кунга, гектарига 6,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилган «Ns Savo» навида барг сатҳи 23,9-31,9 минг  $m^2$ /га, қуруқ масса тўплаши 73,2-83,6 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,8-1,0  $g/m^2$  кунга, «Вахшская 116» навида барг сатҳи 22,3-28,8 минг  $m^2$ /га, қуруқ масса тўплаши 71,2-80,3 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,7-0,9  $g/m^2$  кунга юқори бўлганлиги қайд этилган.

Кузги жавдар навларининг ҳосил структураси уруғ экиш муддатлари кесимида аниқланганида, уруғ экиш муддатларининг таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилган.

Жумладан, уруғлар 01-05.10 муддатда экилган вариантларга нисбатан уруғлар 20-25.10 муддатда гектарига 4,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганда «Ns Savo» навида бир бошоқ узунлиги 0,9 см. дан 1,4 см. гача, бир бошоқдаги донлар сони 2,0 донадан 3,4 донагача, бир бошоқдаги донлар вазни 0,1 г. гача, 1000 дона дон оғирлиги 1,3 г. дан 3,2 г. гача, доннинг натура оғирлиги 12,1 г/л дан 27,1 г/л гача, «Вахшская 116» навида бир бошоқ узунлиги 0,7 см. дан 1,6 см. гача, бир бошоқдаги донлар сони 1,7 донадан 3,8 донагача, бир бошоқдаги донлар вазни 0,1 г. гача, 1000 дона дон оғирлиги 1,3 г. дан 3,5 г. гача, доннинг натура оғирлиги 8,4 г/л дан 29,0 г/л гача, гектарига 5,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганида «Ns Savo» навида бир бошоқ узунлиги 0,6 см. дан 1,5 см. гача, бир бошоқдаги донлар сони 1,7 донадан 3,7

донагача, бир бошоқдаги донлар вазни 0,1 г. гача, 1000 дона дон оғирлиги 1,0 г. дан 2,9 г. гача, доннинг натура оғирлиги 10,7 г/л дан 31,2 г/л гача паст, ammo пояларнинг ётиб қолиши кўпайиши ҳисобига маъданли ўғитларнинг  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари қўлланилган вариантда бир бошоқдаги донлар сони 1,5 донага, 1000 дона дон оғирлиги 1,4 г. га, доннинг натура оғирлиги 14,7 г/л га юқори, «Вахшская 116» навида бир бошоқ узунлиги 0,8 см. дан 1,3 см. гача, бир бошоқдаги донлар сони 1,5 донадан 3,8 донагача, бир бошоқдаги донлар вазни 0,1 г. гача, 1000 дона дон оғирлиги 1,1 г. дан 2,4 г. гача, доннинг натура оғирлиги 10,7 г/л дан 33,1 г/л гача паст, ammo пояларнинг ётиб қолиши кўпайиши ҳисобига маъданли ўғитларнинг  $N_{240}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрлари қўлланилган вариантда бир бошоқдаги донлар сони 1,9 донага, 1000 дона дон оғирлиги 0,8 г. га, доннинг натура оғирлиги 15,8 г/л га юқори, гектарига 6,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилганида «Ns Savo» навида бир бошоқ узунлиги 0,5 см. дан 1,5 см. гача, бир бошоқдаги донлар сони 2,0 донадан 3,1 донагача, бир бошоқдаги донлар вазни 0,1 г. гача, 1000 дона дон оғирлиги 0,7 г. дан 1,1 г. гача, доннинг натура оғирлиги 12,7 г/л дан 15,7 г/л гача, «Вахшская 116» навида бир бошоқ узунлиги 0,8 см. дан 1,4 см. гача, бир бошоқдаги донлар сони 0,6 донадан 3,3 донагача, бир бошоқдаги донлар вазни 0,1 г. гача, 1000 дона дон оғирлиги 0,9 г. дан 1,2 г. гача, доннинг натура оғирлиги 11,1 г/л дан 18,2 г/л гача паст натижа кўрсатганлиги қайд этилган.

Кузги жавдар навларининг дон ва сомон ҳосилдорлиги вариантлар кесимида ўрганилганида уруғларни экиш муддатлари ва меъёрлари ҳамда маъданли ўғитлар билан озиклантириш миқдорларининг таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилган.

